

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

4-сон
(88)
2004 й.
январь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

39. «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 554–II-сон Қонуни
40. «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 11 декабрдаги 555–II-сон қарори
41. «Электрон рақамли имзо тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 562–II-сон Қонуни
42. «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 11 декабрдаги 563–II-сон қарори

Учинчи бўлим

44. «Тошкент шаҳрининг концерт заллари ва саройларини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 январдаги 43-сон қарори [Кўчирма]

Бешинчи бўлим

45. «Капитал курилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қўмитасининг 2003 йил 30 декабрдаги 10-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 24 январда 1303-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
46. «Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 11 октябрдаги 25/7-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 24 январда 1304-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
47. «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2003 йил 13 ноябрдаги 98/4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 январда 261-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
48. «Йўловчилар автовокзаллари, автостанциялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2003 йил 6 декабрдаги 158-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 январда 1305-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
49. «Инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 3, 2004-03-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 январда 1230-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
50. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 4, 2004-04-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 январда 1100-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
51. «Тижорат банкларида фоишларни ҳисоблаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 11 октябрдаги 25/8-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 январда 1306-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 24 январдан 30 январгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

39 Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади товар импортида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари қўлланилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

иқтисодиёт тармоғи — Ўзбекистон Республикасининг ўхшаш товар ишлаб чиқарувчиларининг барчаси ёки Ўзбекистонда шундай товар ишлаб чиқариш умумий ҳажмида улуши асосий қисми ташкил этадиган ишлаб чиқарувчиларнинг жами;

иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарар — Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига товар импорти кўпайганлиги, демпинг нархларидаги товар импорти ёки субсидия билан таъминланган товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғининг ишлаб чиқариш, савдо ва молиявий кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайганлиги ёхуд иқтисодиёт тармоғи ривожланишида суръат сезиларли даражада сусайганлиги;

иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилиши хавфи — иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилиши муқаррар эканлигининг далиллар билан тасдиқланганлиги;

одатдаги савдо жараёни — товарнинг уни ишлаб чиқарувчи мамлакат ёки экспорт қилувчи мамлакатнинг ички бозорида ўртача олинган таннархи ва ўртача фойда нормасидан ёки ўхшаш шароитдаги учинчи мамлакатдан Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган ўхшаш товарларга таққослама нархлардан таркиб топадиган нархдаги олди-сотдиси;

олдинги давр — текширув ўтказиш тўғрисидаги ариза топширилган кунга қадар кечган ҳамда зарурий статистика маълумотлари бўлган сўнгги уч йил;

ўхшаш товар — қандай вазифа бажара олиши ва нимага мўлжалланганлиги, қўлланилиши, сифат ва техник хусусиятларига, шунингдек бошқа асосий хоссаларига кўра импорт қилинаётган товар билан батамом бир хил бўлган ёки бундай товар билан таққослаб бўладиган товар.

4-модда. Муҳофаза чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш мақсадидаги текширув

Муҳофаза чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш мақсадидаги текширув Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига товар импорти кўпайганлигини, демпинг нархларидаги товар импорти ёки субсидия билан таъминланган товар импорти мавжудлигини ҳамда бунинг оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг борлигини аниқлаш учун ўтказилади. Текширув Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган ваколатли орган томонидан ўтказилади.

Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига муҳофаза чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади.

5-модда. Муҳофаза чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш муддатини ҳисоблаш

Муҳофаза чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш муддатини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уларни қўлланиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бошланади.

II. Муҳофаза чоралари

6-модда. Муҳофаза чораларининг қўлланилиши

Товар импорти кўпайишини чеклаш бўйича товар импортининг миқдори ва (ёки) қийматига (импорт квотаси) нисбатан чеклов тариқасида, импорт божидан ташқари ундириладиган махсус бож тариқасида қўлланиладиган чоралар ёки товар импорти кўпайишини чеклашга қаратилган бошқа чоралар муҳофаза чораларидир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига товар импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаетган ёки жиддий зарар етказилиши хавфини туғдираётган ҳажмда (мутлақ ифодасида ёки уни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришга нисбатан) ва шароитда амалга оширилаётганлиги ваколатли органнинг текшируви натижалари асосида аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан муҳофаза чоралари қўлланилади.

Муҳофаза чоралари товар импорти кўпайганлиги оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини баргараф этиш учун зарур бўлган миқдорда ва муддатда қўлланилади.

Товар импортини миқдорий чеклаш тариқасидаги муҳофаза чорасининг қўлланилиши товар импорти ҳажмини олдинги даврдаги товар импортининг ўртача миқдор даражасидан камайтирмаслиги керак, иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини баргараф этиш учун товар импортининг бошқа даражасини белгилаш зарурлигига асос бўлган ҳоллар бундан мустасно.

7-модда. Товар импорти кўпайганлиги муносабати билан иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини аниқлаш

Товар импорти кўпайганлиги муносабати билан иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини аниқлаш далилларга асосланади ҳамда импорт товар етказиб берилиши ҳажмининг ўсиш суръатини, унинг кўпайиши белгилари мавжудлигини, шунингдек иқтисодиёт тармоғи ишлаб чиқариш, савдо ва молиявий кўрсаткичларининг сезиларли даражада пасайишига ёки иқтисодиёт тармоғи ривожланишида суръат сезиларли даражада сусайишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган объектив тусдаги бошқа омилларни ўрганишни ўз ичига олади.

8-модда. Муҳофаза чоралари қўлланилишининг хусусиятлари

Алоҳида ҳолларда, агар текширув тугаллангунга қадар муҳофаза чораларини қўлланишда сусткашлик қилиш иқтисодиёт тармоғига кейинчалик бартараф этиш қийин бўлган даражада жиддий зарар етказилиши мумкин эканлиги ваколатли орган томонидан аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатли органнинг дастлабки хулосаси асосида, ваколатли орган томонидан узил-кесил хулоса олиш мақсадида текширув давом эттирилиши шарти билан, муваққат муҳофаза чорасини қўлланиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Муваққат муҳофаза чораси муваққат махсус бож кўринишида қўлланилади.

Агар товар импорти кўпайганлиги оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилмаганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфи йўқлиги текширув натижаларига кўра ваколатли орган томонидан аниқланган бўлса, тўланган муваққат махсус бож суммалари тўловчига қонун ҳужжатларида божларни қайтариш учун белгиланган тартибда қайтариб берилиши керак.

Агар махсус бож тариқасидаги муҳофаза чораси муваққат махсус бождан кам миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ тўловчига қонун ҳужжатларида божларни қайтариш учун белгиланган тартибда қайтариб берилиши керак.

Агар махсус бож тариқасидаги муҳофаза чораси муваққат махсус бождан кўп миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ тўловчидан ундирилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органнинг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳофаза чораларининг миқдорини камайтириши мумкин.

9-модда. Муҳофаза чораларининг амал қилиш муддати

Муҳофаза чораларининг амал қилиш муддати тўрт йилдан ошмаслиги лозим.

Агар иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун муҳофаза чораси зарурияти сақланиб қолаётганлиги қайта текширув натижасида ваколатли орган томонидан аниқланган бўлса, муҳофаза чорасининг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан узайтирилиши мумкин. Бунда муҳофаза чораси амал қилишининг умумий муддати саккиз йилдан ошмаслиги керак.

Муваққат муҳофаза чорасининг амал қилиш муддати икки юз кундан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан муваққат муҳофаза чорасини қўлланиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай чоранинг амал қилиш муддати муҳофаза чорасининг умумий амал қилиш муддатига қўшилади.

III. Антидемпинг божлари

10-модда. Антидемпинг божининг қўлланилиши

Демпинг нархларидаги товар импорти учун импорт божидан ташқари ундириладиган бож антидемпинг божидир.

Агар демпинг нархларидаги товар импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаётганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфини туғдираётганлиги ваколатли органнинг текшируви натижалари асосида аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан антидемпинг божи қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига экспорт нархи ўзининг нормал қийматидан паст бўлган товар импорти демпинг нархларидаги товар импортидир.

Ўзбекистон Республикасига экспорт қилиш учун сотилган товарга амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нарх товарнинг экспорт нархидир.

Экспорт қилувчи мамлакатнинг ички бозорида истеъмол қилиш учун мўлжалланган ўхшаш товарнинг одатдаги савдо жараёнидаги нархи ёхуд ўхшаш товар экспорт қилувчи мамлакат бозорида сотилмаётган бўлса ёки бошқа сабабларга кўра лозим даражада таққослашни ўтказиш имконияти бўлмаса, товар келиб чиққан мамлакатдаги ишлаб чиқариш харажатлари асосида оқилона чиқимларни ва фойдани қўшган ҳолда ёхуд Ўзбекистон Республикаси билан бир хил шароитдаги учинчи мамлакатга экспорт қилинадиган ўхшаш товарларнинг нархлари асосида одатдаги савдо жараёнида аниқланадиган нархи товарнинг нормал қийматидир.

Антидемпинг божи демпинг нархларидаги товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун зарур бўлган миқдорда ва муддатда қўлланилади.

Антидемпинг божи ва муваққат антидемпинг божининг ставкалари демпинг маржаси миқдоридан ошмаслиги лозим.

Антидемпинг божи товар етказиб берувчиларнинг бирига ёки бир нечтасига нисбатан қўлланилиши мумкин.

11-модда. Демпинг маржаси

Экспорт нархи чегириб ташланган товар нормал қийматининг товарнинг экспорт нархига фоизларда ифодаланган нисбати демпинг маржасидир. Демпинг маржаси товарнинг ўртача олинган нормал қийматини барча таққосладиган экспорт битимлари билан солиштириш асосида ёки товарнинг нормал қийматини муайян битимлар бўйича экспорт нархлари билан солиштириш орқали аниқланади.

Агар товарлар Ўзбекистон Республикасига товар келиб чиққан мамлакатдан бевосита импорт қилинмай, балки учинчи мамлакатдан экспорт қилинаётган бўлса, товар экспорт қилинаётган мамлакатдан Ўзбекистон Республикасига сотилаётган товарлар нархи товар экспорти мамлакатдаги солиштира нарх билан таққосланади. Агар товарлар товар экспорт қилинаётган мамлакат орқали фақат олиб ўтилаётган бўлса ёки бундай товарлар товар экспорт қилинаётган мамлакатда ишлаб чиқарилмаса ёхуд товар экспорт қилинаётган мамлакатда уларга солиштира нарх бўлмаса, таққослаш товар келиб чиққан мамлакатдаги нархга қиёсан ўтказилиши мумкин.

Товарнинг экспорт нархи бўлмаган ёки бундай нарх текширув ўтказаётган ваколатли органда шубҳа уйғотган ҳолларда, етказиб берилаётган товарларнинг экспорт нархи етказиб берувчидан ёки сотувчидан мустақил харидорга биринчи марта

қайта сотилаётган нарх асосида ёки ваколатли орган белгилайдиган бошқа асосда ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Агар ваколатли орган томонидан текширув натижасида демпинг маржаси экспорт нархининг икки фоизидан ортиқроғини ташкил этиши ёки демпинг нархларидаги товар импортида уни етказиб бериш ҳажми анча миқдорда эканлиги аниқланган бўлса, демпинг нархларидаги товар импортига нисбатан антидемпинг божи қўлланилади.

Агар демпинг нархларидаги товар импортида етказиб бериш ҳажми барча ўхшаш товарларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш умумий ҳажмининг уч фоизидан ортиқроғини ташкил этса ёки демпинг нархларидаги товар импортида шундай товарни Ўзбекистон Республикасига етказиб беришда ҳар бирининг улуши етказиб бериш умумий ҳажмининг камида уч фоизини ташкил этадиган мамлакатлардан демпинг нархларида импорт қилишда етказиб бериш ҳажми ўхшаш товарни Ўзбекистон Республикасига етказиб беришнинг умумий ҳажмида жами етти фоиздан ортиқроқни ташкил этса, етказиб бериш ҳажми, товарни етказиб берувчи қайси мамлакат хусусида текшириш ўтказилаётган бўлса, шу мамлакатга нисбатан олганда анча миқдорда деб топилади.

12-модда. Демпинг нархларидаги товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини аниқлаш

Демпинг нархларидаги товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини аниқлаш далилларга асосланган ва товар демпинг нархларида импорт қилинаётгандаги унинг етказиб бериш ҳажмини, бу товарнинг сифатини, Ўзбекистон Республикасининг ички бозоридаги ўхшаш товарлар нархларига таъсирини ҳамда бундай етказиб беришнинг иқтисодиёт тармоғи учун оқибатларини ўрганишни ўз ичига олади.

Ваколатли орган товар демпинг нархларида импорт қилинаётган пайтда унинг етказиб бериш ҳажмини текшираётганда бунга тааллуқли, иқтисодиёт тармоғининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи барча омиллар ва кўрсаткичларни ўрганиб чиқади.

13-модда. Антидемпинг божлари қўлланилишининг хусусиятлари

Алоҳида ҳолларда, лекин текширув бошланганидан кейин камида олтиш кун ўтгач, агар текширув тугаллангунга қадар олинган маълумот товар демпинг нархларида импорт қилинаётганлигидан ва бундай товар импортидан иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилаётганлигидан ёки жиддий зарар етказилиши хавфи борлигидан далолат берса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатли органнинг дастлабки ҳулосаси асосида муваққат антидемпинг божини қўлланиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Агар демпинг нархларидаги товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилмаётганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфи йўқлиги текширув натижаларига кўра ваколатли орган томонидан аниқланган бўлса, тўланган муваққат антидемпинг божи суммалари тўловчига қонун ҳужжатларида божларни қайтариш учун белгиланган тартибда қайтариб берилиши керак.

Агар антидемпинг божи муваққат антидемпинг божидан кам миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ тўловчига қонун ҳужжатларида божларни қайтариш учун белгиланган тартибда қайтариб берилиши керак.

Агар антидемпинг божи муваққат антидемпинг божидан кўп миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ тўловчидан ундирилмайди.

Текширув бошланган санадан аввалроқ эркин муомалага чиқарилган товарга нисбатан антидемпинг божи қўлланилиши мумкин эмас.

Антидемпинг божи қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилишидан қатъи назар қўлланилади.

14-модда. Антидемпинг божининг амал қилиш муддати

Антидемпинг божининг амал қилиш муддати уни қўлланиш бошланган ёки демпинг нархларидаги товар импорти нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг бориқлиги нуқтаи назаридан ҳам охири марта қайта кўриб чиқилган пайтдан эътиборан беш йилдан ошмаслиги лозим, антидемпинг божининг амал қилиш муддати тугагунга қадар бошланган қайта кўриб чиқиш жараёнида антидемпинг божининг амал қилишини тугатиш демпинг нархларидаги товар импортининг ва иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг давом этишига ёки тикланишига олиб келиши ваколатли орган томонидан аниқланган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда антидемпинг божи қайта кўриб чиқиш учун асос бўлган такрорий текширув натижалари олингунга қадар қўлланилаверади.

Антидемпинг божини қайта кўриб чиқиш мақсадидаги такрорий текширув ваколатли органнинг ташаббусига ёки манфаатдор шахсларнинг сўровига кўра улар антидемпинг божини қайта кўриб чиқиш зарурлигини тасдиқловчи ахборотни тақдим этганларидан кейин амалга оширилади. Антидемпинг божини қайта кўриб чиқиш мақсадидаги такрорий текширув шу текширувни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ичида тугалланиши керак.

Антидемпинг божини қўлланишни давом эттириш ёки бундай божнинг ставкасини қайта кўриб чиқиш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан такрорий текширув натижаларига биноан ваколатли органнинг ҳулосаси асосида аниқланади.

Муваққат антидемпинг божи олти ойгача бўлган муддатга белгиланади. Мазкур муҳлат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тўққиз ойгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

15-модда. Демпинг нархларидаги товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар

Текширув объекти бўлган товарни экспорт қилувчининг нархни қайта кўриб чиқиш ёки товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига унинг нормал қийматидан паст нархда экспорт қилишни тугатиш тўғрисидаги ихтиёрий мажбуриятлари демпинг нархларидаги товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлардир.

Демпинг нархларидаги товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар экспорт қилувчидан олинган тақдирда, агар ваколатли орган бундай мажбуриятларнинг қабул қилиниши иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини баргараф этишини аниқлаган бўлса, текширув антидемпинг божлари ёки муваққат антидемпинг божлари қўлланилмасдан тўхтаиб турилиши ёки тугатилиши мумкин.

Демпинг нархларидаги товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятларга мувофиқ товар нархлари даражаси демпинг маржасини баргараф этиш учун зарур бўлганидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Товар нархларининг оширилиши, агар бундай ошириш иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий

зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун кифоя қилса, демпинг маржасидан кам бўлиши мумкин.

Товар демпинг нархларида импорт қилинаётганлиги ва бундай импорт оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг бор-йўқлиги тўғрисида ваколатли орган томонидан дастлабки хулоса чиқарилгунга қадар демпинг нархларидаги товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар экспорт қилувчи томонидан қабул қилинмайди.

Демпинг нархларидаги товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар экспорт қилувчи томонидан қабул қилинган тақдирда, текширув унинг илтимосномасига ёки ваколатли органнинг қарорига биноан давом эттирилиши мумкин. Агар текширув натижаларига кўра товар демпинг нархларида импорт қилинмаётганлиги ёки бундай импорт оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етмаётганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфи йўқлиги тўғрисида хулоса чиқарилган бўлса, демпинг нархларидаги товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар ўз кучини йўқотади, чиқарилган хулоса кўп жиҳатдан нархлар бўйича мажбуриятлар мавжудлигининг натижаси бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда мазкур мажбуриятлар иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун зарур бўлган муддат мобайнида ўз кучини сақлаб туради.

Демпинг нархларидаги товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар экспорт қилувчи томонидан бузилган ёки қайтариб олинган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси антидемпинг божини ёки муваққат антидемпинг божини қўлланиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

IV. Компенсация божлари

16-модда. Компенсация божларининг қўлланилиши

Субсидия билан таъминланган товар импорти учун импорт божидан ташқари ундириладиган бож компенсация божидир.

Агар субсидия билан таъминланган товар импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаетганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфини туғдираётганлиги ваколатли органнинг текшируви натижалари асосида аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан компенсация божи қўлланилади.

Ишлаб чиқариш, экспорт қилиш ёки ташиш пайтида чет давлатнинг субсидиясидан фойдаланилган товарнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорти субсидия билан таъминланган товар импортидир.

Компенсация божи субсидия билан таъминланган товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун зарур миқдорда ва муддатда қўлланилади.

Компенсация божининг ставкаси субсидия билан таъминланган товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилишда шу товарнинг бирлиги ҳисобига чет давлат субсидиясининг текширувда аниқланган миқдоридан ошмаслиги лозим.

Битта товарга нисбатан бир вақтнинг ўзида компенсация ва антидемпинг божи қўлланилишига йўл қўйилмайди.

17-модда. Чет давлат субсидияси

Чет давлат ҳукуматининг ёки бошқа органининг ёхуд чет давлатлар иттифоқи-

нинг (бундан буён матнда чет давлат деб юритилади) субсидия олувчига қўшимча афзалликлар берадиган ва бевосита чет давлат томонидан ёхуд унинг топшириғига биноан амалга ошириладиган молиявий қўмаги чет давлат субсидияси (бундан буён матнда субсидия деб юритилади) ҳисобланади.

Субсидия олувчига қўшимча афзалликлар берадиган молиявий қўмакнинг қуйидаги турлари субсидиялар деб тан олинади:

чет давлат томонидан молиявий маблағларни (шу жумладан грантлар, заёмлар, акцияларни сотиб олиш тариқасидаги молиявий маблағларни) тўғридан-тўғри ўтказиш ёки шундай маблағларни (шу жумладан заёмлар бўйича кафолатлар тариқасидаги маблағларни) ўтказиш бўйича мажбуриятлар;

чет давлатнинг давлат даромадига тушиши лозим бўлган тўловларни ундиришдан воз кечиши ёки ундирмаслиги (шу жумладан солиқ кредитлари бериш йўли билан), экспорт қилинаётган товарни ички истеъмол учун мўлжалланган ўхшаш товардан ундириладиган солиқлар ва божлардан озод қилиш ёки бундай солиқлар ва божларни ҳақиқатда ҳисоблаб чиқарилган суммалардан ошмайдиган миқдорда камайтириш ҳоллари бундан мустасно;

чет давлат томонидан товарларни тақдим этиш ва хизматлар кўрсатиш (умумий инфратузилмани сақлаб туриш ва ривожлантириш учун мўлжалланган товарлар ва хизматлар бундан мустасно) ёки товарларни харид қилиб олиш;

чет давлат томонидан молиялаштириш фондларига тўловлар тўлаш ёки ўз ваколатларини ушбу қисмнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган, одатда чет давлат томонидан чет давлатнинг одатдаги амалиётидан ҳақиқатда фарқ қилмайдиган шартларда амалга ошириладиган молиявий ёрдам турларини амалга ошириш учун хусусий ташкилотга бериш.

Молиявий қўмакнинг субсидия олувчига қўшимча афзалликлар берадиган бошқа турлари ҳам субсидиялар деб тан олинади мумкин.

Субсидияларнинг ваколатли орган томонидан текширув жараёнида аниқланган суммаси, агар у субсидия билан таъминланган товар қийматининг бир фоиздан ортиқроғини ташкил этса, компенсация божларини қўлланиш йўли билан қопланиши керак.

Субсидиялар, агар улар ўзига хос бўлса, компенсация божининг предметиدير. Фойдаланилиши чекланган ва муайян корхонага ёки иқтисодиёт тармоғига, корхоналар ёхуд иқтисодиёт тармоқлари гуруҳига, шунингдек белгиланган жуғрофий минтақада жойлашган муайян корхоналарга бериладиган ёхуд товар экспортини рағбатлантиришга ёки товар импортининг ўрнини босишга қаратилган субсидия ўзига хос субсидия ҳисобланади.

Компенсация божларининг предмети бўлган субсидияни ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

18-модда. Субсидия билан таъминланган товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини аниқлаш

Субсидия билан таъминланган товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини аниқлаш далилларга асосланади ва субсидия билан таъминланган товар импорт қилинаётгандаги унинг етказиб бериш ҳажмини, бу товарнинг сифатини, Ўзбекистон Республикасининг ички бозоридаги ўхшаш товарлар нархига таъсирини ҳамда бундай етказиб беришнинг иқтисодиёт тармоғи учун оқибатларини ўрганишни ўз ичига олади.

Ваколатли орган субсидия билан таъминланган товар импорт қилинаётган пайтда унинг етказиб бериш ҳажмини текшираётганда бунга тааллуқли, иқтисодиёт тармоғининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи барча омиллар ва кўрсаткичларни ўрганиб чиқади.

19-модда. Компенсация божлари қўлланилишининг хусусиятлари

Алоҳида ҳолларда, лекин текширув бошланганидан кейин камида олтмиш кун ўтгач, агар текширув тугаллангунга қадар олинган маълумот субсидия билан таъминланган товар импорт қилинаётганлигидан ва бундай товар импортидан иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилаётганлигидан ёки жиддий зарар етказилиши хавфи борлигидан далолат берса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатли органнинг дастлабки ҳулосаси асосида муваққат компенсация божини қўлланиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Агар субсидия билан таъминланган товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилмаётганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфи йўқлиги текширув натижаларига кўра ваколатли орган томонидан аниқланган бўлса, тўланган муваққат компенсация божи суммалари тўловчига қонун ҳужжатларида божларни қайтариш учун белгиланган тартибда қайтариб берилиши керак.

Агар компенсация божи муваққат компенсация божидан кам миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ тўловчига қонун ҳужжатларида божларни қайтариш учун белгиланган тартибда қайтариб берилиши керак.

Агар компенсация божи муваққат компенсация божидан кўп миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ тўловчидан ундирилмайди.

Текширув бошланган санадан аввалроқ эркин муомалага чиқарилган товарга нисбатан компенсация божи қўлланилиши мумкин эмас.

Компенсация божи қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилишидан қатъи назар қўлланилади.

20-модда. Компенсация божининг амал қилиш муддати

Компенсация божининг амал қилиш муддати уни қўлланиш бошланган ёки субсидия билан таъминланган товар импорти нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг бор-йўқлиги нуқтаи назаридан ҳам охириги марта қайта кўриб чиқиш бошланган пайтдан эътиборан беш йилдан ошмаслиги лозим, компенсация божининг амал қилиш муддати тугагунга қадар бошланган қайта кўриб чиқиш жараёнида компенсация божининг амал қилишини тугатиш субсидия билан таъминланган товар импортининг ҳамда иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг давом этишига ёки тикланишига олиб келиши ваколатли орган томонидан аниқланган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда компенсация божи қайта кўриб чиқиш учун асос бўлган такрорий текширув натижалари олингунга қадар қўлланилавереди.

Компенсация божини қайта кўриб чиқиш мақсадидаги такрорий текширув ваколатли органнинг ташаббусига ёки манфаатдор шахсларнинг сўровига кўра улар компенсация божини қайта кўриб чиқиш зарурлигини тасдиқловчи ахборотни тақдим этганларидан кейин амалга оширилади. Компенсация божини қайта кўриб чиқиш мақсадидаги такрорий текширув шу текширувни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ичида тугалланиши керак.

Компенсация божини қўлланишни давом эттириш ёки бундай божнинг ставкасини қайта кўриб чиқиш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

си томонидан такрорий текширув натижаларига биноан ваколатли органнинг хулосаси асосида белгиланади.

Муваққат компенсация божи тўрт ойгача бўлган муддатга белгиланади.

21-модда. Субсидия билан таъминланган товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар

Текширув қуйидаги ҳолларда компенсация божлари ёки муваққат компенсация божлари қўлланилмасдан тўхтатиб турилиши ёхуд тугатилиши мумкин:

агар нархлар бўйича ихтиёрий мажбуриятлар субсидияни бекор қилиш ёки қисқартириш ёхуд субсидия билан таъминланган товар импорти оқибатларини бартараф этиш мақсадида айнан ўхшаш бошқа чораларни кўриш юзасидан текширув объекти бўлган товар экспорт қилинаётган чет давлатдан олинган бўлса;

агар нархлар бўйича ихтиёрий мажбуриятлар бундай мажбуриятларнинг қабул қилинишини ваколатли орган иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этади деб белгилайдиган тарзда товар нархларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида текширув объекти бўлган товарни экспорт қилувчидан олинган бўлса. Нархлар бўйича шундай мажбуриятларга мувофиқ товар нархлари даражаси субсидиянинг иқтисодиёт тармоғига таъсирини компенсация қилиш учун зарур бўлганидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Товар нархларининг оширилиши, агар бундай ошириш иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун кифоя қилса, субсидия микдоридан кам бўлиши мумкин.

Субсидия билан таъминланган товар импорт қилинаётганлиги ва бундай импорт оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг бор-йўқлиги тўғрисида ваколатли орган томонидан дастлабки хулоса чиқарилгунга қадар субсидия билан таъминланган товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар чет давлат ёки экспорт қилувчи томонидан қабул қилинмайди.

Субсидия билан таъминланган товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар чет давлат ёки экспорт қилувчи томонидан қабул қилинган тақдирда, текширув товар экспорт қилинаётган чет давлатнинг илтимосномасига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан давом эттирилиши мумкин. Агар текширув натижаларига кўра субсидия билан таъминланган товар импорт қилинмаётганлиги ёки бундай импорт оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етмаётганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфи йўқлиги тўғрисида хулоса чиқарилган бўлса, субсидия билан таъминланган товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар ўз кучини йўқотади, чиқарилган хулоса кўп жиҳатдан нархлар бўйича мажбуриятлар мавжудлигининг натижаси бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда мазкур мажбуриятлар иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун зарур бўлган муддат мобайнида ўз кучини сақлаб туради.

Субсидия билан таъминланган товарни импорт қилишда нархлар бўйича мажбуриятлар товар экспорт қилинаётган чет давлат томонидан ёки экспорт қилувчи томонидан бузилган ёки қайтариб олинган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси компенсация божини ёки муваққат компенсация божини қўллашни тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

V. Текширув ўтказиш**22-модда. Текширув ўтказиш тўғрисида ариза бериш тартиби**

Текширув ваколатли орган томонидан, иқтисодиётнинг тегишли тармоғи манфаатларини ифода этувчи юридик ёки жисмоний шахсларнинг ёзма аризасига биноан ўтказилади.

Текширув ўтказиш тўғрисидаги ариза (бундан буён матнда ариза деб юритилади) умумий ишлаб чиқариши Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиларининг мазкур ариза юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдирган қисми томонидан ишлаб чиқарилган жами ўхшаш товарнинг эллик фоизидан ортиқроғини ташкил этадиган Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари томонидан қўллаб-қувватланса, у берилган деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиларининг аризани қўллаб-қувватловчилари улушига Ўзбекистон Республикасида ўхшаш товарларни жами ишлаб чиқаришнинг камида йигирма беш фоизи тўғри келиши керак.

Аризада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

ариза берувчининг номи, ариза берувчи олдинги даврда ўхшаш товарни ишлаб чиқарганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган, текширув объекти бўлган товарнинг тавсифи, товар келиб чиққан мамлакат номи, чет давлатнинг ариза берувчига маълум экспорт қилувчилари ва ишлаб чиқарувчилари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ўхшаш товар ишлаб чиқарувчилардан қайсилари унга маълум бўлса, шу ишлаб чиқарувчилар тўғрисидаги маълумотлар;

товар нархларининг, товар импорти кўпайганлиги суръатлари ва ҳажмларининг мутлақ ва нисбий миқдорлари тўғрисидаги, товар импортининг ички бозордаги ўхшаш товарнинг нархларига ва иқтисодиёт тармоғига таъсири ҳақидаги, товарнинг Ўзбекистон Республикасининг ички бозоридаги улуши тўғрисидаги маълумотлар;

демпинг нархларидаги товар импорт қилинаётганлиги ва бундай товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилаётганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг борлиги далиллари, шундай товарнинг нормал қиймати ва экспорт нархига оид маълумотлар (ушбу Қонуннинг III бобида назарда тутилган ҳоллар учун);

субсидиянинг мавжудлиги далиллари, имкони бўлганда шундай субсидиянинг миқдорини ва субсидия билан таъминланган товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг бор-йўқлигини кўрсатган ҳолда (ушбу Қонуннинг IV бобида назарда тутилган ҳоллар учун).

Ариза текширув бошлангунга қадар ёки текширув ўтказилаётган пайтда ариза берувчи томонидан қайтариб олинishi мумкин. Агар ариза текширув бошлангунга қадар қайтариб олинган бўлса, у берилмаган деб ҳисобланади. Агар ариза текширув ўтказилаётган пайтда қайтариб олинган бўлса, ваколатли орган текширувни давом эттириш ёки уни тугатиш ҳуқуқига эга.

Товар импорти кўпайганлиги, демпинг нархларидаги товар импорти ёки субсидия билан таъминланган товар импорти мавжудлиги ва бундай импорт оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг борлиги далиллари бўлган тақдирда, текширув ваколатли органнинг ўз ташаббуси билан ўтказилиши мумкин.

23-модда. Текширувни бошлаш учун мажбурий шартлар

Ариза берилганидан кейин ўттиз кун ичида ваколатли орган аризада кўрсатил-

ган маълумотларнинг ишончлилиги ва етарлилигини кўриб чиқиши ҳамда текширув ўтказиш тўғрисида ёки текширув ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, бу ҳақда ариза берувчига ёзма равишда хабар қилиши керак. Текширув ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда рад этиш сабабларидан ариза берувчини ваколатли орган хабардор этади.

Текширув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганга қадар ваколатли орган аризанинг мазмунини, унинг олинганлиги ва кўриб чиқилганлиги ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ваколатли орган, агар у маълумотларни етарли эмас деб топса, ариза олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда бу ҳақда ариза берувчига ёзма равишда хабар қилади ва унга ўз аризасига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиш имкониятини беради.

Агар ариза берувчи ўз аризасига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритса, аризани кўриб чиқиш муддати ана шу ўзгартиришлар ёки қўшимчалар олинган кундан эътиборан бошланади.

Агар ариза берувчи ваколатли орган сўраётган қўшимча маълумотларни хабар олинган санадан эътиборан ўн беш кун ичида тақдим этмаса ва бундай маълумотларни тақдим этишни кечиктириш тўғрисида илтимос қилмаган бўлса, ваколатли орган аризани кўриб чиқишни рад этишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда ариза берувчига ёзма равишда хабар қилади.

Ваколатли орган текширувни бошлаш учун ариза берувчининг ариза берилишига сабаб бўлган товарни умумий ишлаб чиқаришдаги улушини аниқлаш орқали аризани кўриб чиқишда холисликка риоя этилишини ва ариза юзасидан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт тегишли тармоғи ишлаб чиқарувчиларининг фикрлари мумкин қадар кўпроқ инobatга олинишини таъминлайди. Бунинг учун ваколатли орган Ўзбекистон Республикасининг ўхшаш товар бошқа ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг ушбу ариза юзасидан фикрларини сўраб олишга ҳақли.

24-модда. Текширувни бошлаш тўғрисидаги қарор ва текширув бошланганлигидан хабардор қилиш

Текширувни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлигидан кейин ваколатли орган ўттиз кун ичида:

барча манфаатдор шахсларни бўлажак текширувдан хабардор қилади;

текширувнинг бошланиши ҳақида расмий нашрда билдириш эълон қилади.

Текширувнинг бошланиши ҳақидаги билдиришда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

экспорт қилувчи мамлакатнинг, мамлакатларнинг номи ва текширув объекти бўлган товарнинг номи;

текширув бошланадиган сана;

аризанинг қонунийлигини тасдиқловчи фактларнинг қисқача баёни;

манфаатдор шахслар ўз материалларини юборишлари лозим бўлган манзил ва уларни тақдим этиш муддатлари.

Текширув мазкур текширув объекти бўлган товарнинг божхона расмийлаштирувига ва уни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига чиқарилишига монелик қилмаслиги керак.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари текширув ўтказилишига қўмаклашишлари ва ваколатли органнинг сўровига биноан товарлар намуналарини ҳамда зарур ахборотни, шу жумладан махфий ахборотни тақдим этишлари лозим.

25-модда. Текширув муддатлари

Муҳофаза чоралари қўлланилишидан олдинги текширувни ўтказиш муддати текширув бошланган санадан эътиборан тўққиз ойдан ошмаслиги лозим.

Антидемпинг ва компенсация божлари қўлланилишидан олдинги текширувни ўтказиш муддати текширув бошланган санадан эътиборан ўн икки ойдан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда, мазкур муҳлат ваколатли органнинг қарорига биноан олти ойгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

Агар чет давлат ёки экспорт қилувчи иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса, текширув ваколатли орган томонидан тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши мумкин.

26-модда. Текширув ўтказишнинг хусусиятлари

Агар иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилмаганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфи йўқлиги аниқланган бўлса, ваколатли орган текширув ўтказишни рад этади.

Агар демпинг маржаси экспорт нархининг икки фоизидан камини ташкил этса ёки демпинг нархларидаги товар импорти ҳажмининг ёки бундай импортдан иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёхуд жиддий зарар етказилиши хавфининг унча катта эмаслиги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланган бўлса, антидемпинг божлари қўлланилишидан олдинги текширув дарҳол тугатилиши керак,

Агар субсидия миқдори товар қийматининг бир фоизидан ошмаслиги аниқланган бўлса, компенсация божлари қўлланилишидан олдинги текширув дарҳол тугатилиши лозим.

VI. Яқунловчи қоидалар**27-модда. Ахборотнинг махфийлиги**

Текширув жараёнида ваколатли органга тақдим этиладиган махфий ахборот уни тақдим этган манфаатдор шахснинг ёзма рухсатномасисиз ошкор қилинмаслиги керак.

28-модда. Муҳофаза чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини бекор қилиш

Агар муҳофаза чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг бартараф этилганлиги аниқланган бўлса, ваколатли орган уларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритади.

29-модда. Низоларни ҳал этиш

Муҳофаза чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

30-модда. Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисидаги қонун

хужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 11 декабрь,
554-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

40 «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 11 декабрь,
555-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

41 Электрон рақамли имзо тўғрисида**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имзонинг очиқ калити — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш — электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа;

электрон ҳужжат — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

4-модда. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган амалга оширади.

5-модда. Махсус ваколатли орган

Махсус ваколатли орган:

электрон рақамли имзодан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини (бундан буён матнда рўйхатга олиш маркази деб юритилади) давлат рўйхатидан ўтказди;

рўйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларига тегишли электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг ягона давлат реестрини юритади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан эркин фойдалана олишини таъминлайди;

рўйхатга олиш марказларининг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини беради;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига биноан рўйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини тасдиқлайди; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6-модда. Рўйхатга олиш маркази

Рўйхатга олиш маркази махсус ваколатли органда давлат рўйхатидан ўтган ва ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажараётган юридик шахсдир.

Рўйхатга олиш маркази:

электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ ва очиқ калитларини яратади;

электрон рақамли имзо ёпиқ калити муҳофаза қилинишини таъминлайди;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрини юритади, унинг ўз вақтида янгиланишини ҳамда ундан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдалана олиш имкониятини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларга электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини электрон ҳужжатлар шаклида ва қоғоз ҳужжатлар шаклида беради;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг амал қилишини тўхтатиб туради ва қайта тиклайди, шунингдек уларни бекор қилади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига биноан электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг кўчирма нусхалари берилишини, шунингдек электрон рақамли имзолар калитларининг тўхтатиб турилган ва бекор қилинган сертификатлари тўғрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланилишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига биноан электрон ҳужжатлардаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди;

электрон рақамли имзоли қоғоздаги электрон ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тасдиқлайди;

электрон рақамли имзо калитининг сертификатидан бундан буён фойдаланиш имкониятига таъсир этиши мумкин бўлган ҳоллар ҳақида электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини хабардор қилади;

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаларини электрон рақамли имзодан фойдаланиш қоидаларига ўқитиш имкониятини таъминлайди.

Рўйхатга олиш маркази билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади.

Рўйхатга олиш марказининг юридик ва жисмоний шахслар учун яратилган электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ калитларини сақлаши ҳамда электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш мақсадига тўғри келмайдиган маълумотларни сўраб олиши тақиқланади.

Рўйхатга олиш марказлари фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7-модда. Электрон рақамли имзо билан қўлда ўзи қўйган имзонинг бир хил аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш шартлари

Электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо айти бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этилган тақдирда қозғалган ҳужжатга қўлда ўзи қўйган имзо билан бир хил аҳамиятга эгадир, агар:

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган пайтда ёки имзолаш пайтини белгилловчи далиллар бўлганда электрон ҳужжат имзоланаётган пайтда электрон рақамли имзо калитининг сертификати амал қилиб турган бўлса;

электрон рақамли имзодан электрон рақамли имзо калитининг сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилаётган бўлса.

8-модда. Электрон рақамли имзо воситалари

Электрон рақамли имзо воситалари электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо яратилишини, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланишини, электрон рақамли имзонинг ёпиқ ва очиқ калитлари яратилишини таъминлайдиган барча техникавий ва дастурий воситалардан иборат бўлади.

Электрон рақамли имзо воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши лозим.

9-модда. Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитларини ва очиқ калитларини яратиш

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитлари ва очиқ калитлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан ёки уларнинг мувожаатига биноан рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида яратилиши мумкин.

10-модда. Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаси

Электрон рақамли имзони яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига электрон рақамли имзо калити сертификати берилган жисмоний шахс электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси бўлади.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши тўғрисида рўйхатга олиш марказига хабар қилиши шарт.

11-модда. Электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг жавобгарлиги

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ушбу Қонун 10-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан рухсатсиз тарзда фойдаланилиши туфайли етказилган зарар учун тегишли электрон рақамли имзо очиқ калитининг фойдаланувчиси олдида жавобгар бўлади.

12-модда. Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси бўлиши мумкин.

Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг очик калити электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилигини ва электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини текшириш учун электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказига мурожаат этишга, шунингдек электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳоллар ҳақида электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига хабар қилишга ҳақли.

Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг шахси тўғрисидаги маълумотлар муҳофаза қилиниши таъминлаши керак.

13-модда. Электрон рақамли имзо калитининг сертификати

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг очик калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжатдан иборат бўлади.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон ҳужжат шаклида ва қоғоз ҳужжат шаклида тайёрланиши мумкин.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатига қуйидагилар кўрсатилиши керак:

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

агар электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси юридик шахснинг вакили бўлса, шу юридик шахснинг номи;

унинг тартиб рақами ва амал қилиш муддати;

электрон рақамли имзонинг очик калити;

электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланишда ёрдам бериши мумкин бўлган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

мазкур сертификатни берган рўйхатга олиш марказининг номи ва жойлашган манзили;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатлари реестрининг электрон манзили.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ташаббуси билан электрон рақамли имзо калити сертификатига бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

14-модда. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати рўйхатга олиш маркази томонидан берилади.

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилаётганда у рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати икки нусхада расмийлаштирилади. Бундай сертификатнинг ҳар бир нусхаси рўйхатга олиш марказининг ваколатли шахси томонидан имзоланиши ва рўйхатга олиш маркази-

нинг муҳри билан тасдиқланиши керак. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг бир нусхаси электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига берилади, бошқа нусхаси эса рўйхатга олиш марказида сақланади.

Электрон ҳужжатлар шаклидаги электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг кўчирма нусхаларини беришга доир хизматлар рўйхатга олиш маркази томонидан бепул кўрсатилади.

15-модда. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси асосида, аризада кўрсатилган муддатга, лекин мазкур сертификатнинг амал қилиш муҳлатидан кўп бўлмаган муддатга рўйхатга олиш маркази томонидан тўхтатиб турилиши мумкин.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси тушганда рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига тегишли ёзув киритади ва айни бир вақтнинг ўзида бу ҳақда электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини хабардор қилади.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилган муддат ичида рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризасига биноан мазкур сертификатнинг амал қилишини қайта тиклаши мумкин.

16-модда. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси асосида рўйхатга олиш маркази томонидан бекор қилиниши мумкин.

Рўйхатга олиш маркази, электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг розилигидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиши шарт, агар:

мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;

электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилишига асос бўлган ҳужжатнинг амал қилиши тугатилганлиги аниқ маълум бўлса;

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ушбу Қонун 10-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган ҳоллар аниқланган бўлса.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати тугаган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг уни қайта тиклаш ҳақида аризаси бўлмаган тақдирда ҳам электрон рақамли имзо калитининг сертификати бекор қилиниши керак.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси олинган ёки ушбу модданин иккинчи ва учинчи қисмларида баён қилинган ҳолатлар юзага келган кунда рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги ёзув рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига киритилиб, бу ҳақда электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси хабардор қилинади.

17-модда. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби ҳамда муддати рўйхатга олиш маркази ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг бекор қилинган сертификати рўйхатга олиш марказида камида уч йил сақланади.

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификатини сақлаш муддати тугаганидан кейин, у рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестридан чиқарилади ва архивда сақлаш режимига ўтказилади.

Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати йўқолган тақдирда, рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзо калити сертификатининг дубликатини бериши мумкин.

18-модда. Рўйхатга олиш марказини тугатиш

Рўйхатга олиш маркази қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилиши мумкин.

Рўйхатга олиш маркази тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир ой мобайнида бу ҳақда махсус ваколатли органга, шунингдек мазкур рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига киритилган электрон рақамли имзо ёпиқ калитларининг барча эгаларига хабар қилиши шарт.

Рўйхатга олиш маркази тугатилган тақдирда, мазкур рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатлари электрон рақамли имзо ёпиқ калитлари эгаларининг розилиги билан бошқа рўйхатга олиш марказларига топширилиши мумкин.

Бошқа рўйхатга олиш марказларига топширилмаган электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатлари бекор қилинади ва махсус ваколатли органга сақлаш учун топширилиб, бу ҳақда электрон рақамли имзолар очиқ калитларининг фойдаланувчилари хабардор қилинади.

19-модда. Чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан фойдаланиш

Чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

20-модда. Мухр ўрнида ишлатиш

Мухр билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатга айлантирилган қоғоз ҳужжатнинг мазмуни қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан ёки электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши мумкин.

21-модда. Низоларни ҳал этиш

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22-модда. Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 11 декабрь,
562–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

42 «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 11 декабрь,
563–II-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

44 Тошкент шаҳрининг концерт заллари ва саройлари- ни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

[Кўчирма]

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июндаги 272-сон қарори билан тузилган Эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши билан биргаликда республика маданият саройларида, концерт залларида ва стадионларида ўтказиладиган маданий-маърифий ва концерт тадбирларининг мавзулари, репертуар режаси ва дастурларини такомиллаштириш ишларининг мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, республика маданият саройларида, концерт залларида ва стадионларида оммавий тадбирларни ўтказиш учун биноларнинг ижарага берилишига фақат тадбирларни ташкил этувчиларда жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ички ишлар органлари билан шартномалар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги бир ой муддатда:

Республика театр ва томоша муассасалари биноларини чет ташкилотларга ижарага бериш ва ижара ҳақини белгилаш тартибини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда — республика театр ва томоша муассасаларида чипталар бўйича ишларни юритиш тартибини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 январь,
43-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

45 **Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдолари-
рини ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
24 январда 1303-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 3 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон-
ли «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тад-
бирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитек-
тура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби
тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-
тидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси А. ТОХТАЕВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 декабрь,
10-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**46** **Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида низомни тасдиқ-**
лаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
24 январда 1304-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 3 февралдан кучга киради)

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3, 7, 17 ва 51-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.
3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 2 ноябрдаги 16/2-сон қарори ва у билан тасдиқланган Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида низом (1998 йил 2 декабрь 561-сонли рўйхат рақами) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 11 октябрь,
25/7-сон

* Илова рус тилидаги матнда бериледи.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACI ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

47 «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 январда 261-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 8 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари» тўғрисидаги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 1996 йил 25 январдаги 34/2-сон ҳамда 2003 йил 17 июлдаги 96/4-сон қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 10 июлда 261-рақам билан ҳамда 2003 йил 12 августда 261-1-рақам билан рўйхатга олинган «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом»га иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарор ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси
Раёсати Раиси М. МУХИТДИНОВ**

Тошкент ш.,
2003 йил 13 ноябрь,
98/4-сон

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси
Раёсатининг 2003 йил 13 ноябрдаги
98/4-сон қарорига
ИЛОВА

Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банд биринчи хатбошисининг иккинчи жумласида «Олий маълумотга» сўзларидан кейин «шу жумладан бакалавр» сўзлари чиқарилсин.

2. 12-банд бўйича:

а) биринчи хатбошидан «газета ва» сўзлари чиқарилсин.

б) иккинчи хатбошида «30» сони «20» сонига алмаштирилсин.

в) бешинчи хатбошидан «газета», «газета ва» сўзлари чиқарилсин; ўн учинчи хатбошидан «газета» сўзи чиқарилсин.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

г) бешинчи хатбоши қуйидаги жумла билан тўлдирилсин:

«Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодиёт соҳалари бўйича докторлик диссертацияси натижалари юзасидан монография нашр этилган бўлиши, бошқа фанлар соҳалари бўйича докторлик диссертацияси натижалари юзасидан эса, ушбу фан соҳаси юқори даражада ривожланган хорижий мамлакатларнинг илмий журналларида камида иккита мақола нашр этилган бўлиши шартдир».

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

48 **Йўловчилар автовокзаллари, автостанциялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
30 январда 1305-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 9 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли «Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Илова* қилинаётган «Йўловчилар автовокзаллари, автостанциялари тўғрисидаги низом» тасдиқлансин.
2. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг
бошлиғи А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,
2003 йил 6 декабрь,
158-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

49 «Инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
30 январда 1230-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 9 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги параметрлари тўғрисида»ги 567-сонли қарорига асосан, **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 09-сон ва 2002-6-сон «Инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномасини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (2002 йил 15 февраль 1100-сонли рўйхат рақами — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 3-4-сон; 2003 й., 4-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 январь,
3-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Д. САЙФИДДИНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 январь,
2004-03-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

50 «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
30 январда 1100-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 9 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги параметрлари тўғрисида»ги 567-сон қарорига асосан, **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 26 февралдаги 37-сон ва 2003-33-сонли «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (2003 йил 3 апрель 1230-сонли рўйхат рақами — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 январь,
4-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Д. САЙФИДДИНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 январь,
2004-04-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**51 Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида
низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
30 январда 1306-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 9 февралдан кучга киради)

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3, 7, 17 ва 51-моддаларига асосан, Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 2 ноябрдаги 16/2-сонли қарори билан тасдиқланган «Банкларнинг кредит ва депозитлар бўйича фоизлар ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (1998 йил 2 декабрь 558-сонли рўйхат рақами).

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 11 октябрь,
25/8-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 24 январдан 30 январгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йил 30 декабрдаги 10-сон қарори.*

2004 йил 24 январда 1303-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 февралдан кучга киради).

2. «Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 11 октябрдаги 25/7-сон қарори.*

2004 йил 24 январда 1304-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 февралдан кучга киради).

3. «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2003 йил 13 ноябрдаги 98/4-сон қарори.*

2004 йил 29 январда 261-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 февралдан кучга киради).

4. «Йўловчилар автовокзаллари, автостанциялари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2003 йил 6 декабрдаги 158-сон буйруғи.*

2004 йил 30 январда 1305-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 февралдан кучга киради).

5. «Инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 3, 2004-03-сон қарори.*

2004 йил 30 январда 1230-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 февралдан кучга киради).

6. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 4, 2004-04-сон қарори.*

2004 йил 30 январда 1100-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 февралдан кучга киради).

7. «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 11 октябрдаги 25/8-сон қарори.*

2004 йил 30 январда 1306-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 февралдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган (02.12.98 й., рўйхат рақами 561).*

Адлия вазирининг 2004 йил 24 январдаги 15-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди

2. Банкларнинг кредит ва депозитлари бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган (02.12.98 й., рўйхат рақами 558).*

Адлия вазирининг 2004 йил 30 январдаги 20-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

